

УДК: 338.322.16

DOI: 10.56937/v7i9a3

Бекмуродов Н.Х.

ТДИУ и.ф.н., доцент

nuralibekmuradov748@gmail.com

Абдуллаева Х.Н.

"О'ЗЛИТЕНЕФТЕГАЗ" АЖ

1-даражали иқтисодчи

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАРМОҚЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий-назарий асослари, долзарб муаммолари, унинг тармоқлардаги кичик бизнес субъектлари фаолияти тенденцияси ҳамда унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари каби масалалар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳудуд, тармоқ, салоҳият, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, барқарорлик, модернизация, диверсификация, стратегия, интеграция, инвестиция, ихтисослаштириш, самарадорлик.

Кириши

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий сиёсатнинг стратегик вазифаси сифатида жадал суръатларда ривожлантирилмоқда. «Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 55-67 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 52-55 фоизни, Японияда 52-57 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни ташкил этади. Ғарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корхонанинг 90,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига умумий саноат ҳажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, қурилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келмоқда. Бироқ жаҳондаги ривожланган мамлакатлар экспортининг қарийб 30-40 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 30 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 27 фоизни, Японияда 15 фоизни ташкил этади»¹. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини янада ошириш устувор аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари Европа иқтисодиёти ривожленишида катта ўринга эга. Улар Европа Иттифоқидаги барча корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Улар 100 миллионга яқин одамни иш билан таъминлайди, Европанинг ялпи ички маҳсулотининг ярмидан қўпини ташкил қиласиди ва иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида қўшилган қиймат яратишда муҳим роль ўйнайди. Кичик ва ўрта бизнес иқлим ўзгариши, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби муаммоларга инновацион ечимларни таклиф этади ва бу борадаги ёндашувларни Европанинг барча минтақаларида тарқалишига ёрдам беради².

¹ https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en

² <https://ec.europa.eu/eurostat/cache/recovery-dashboard/>

Жаҳонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда уларнинг иқтисодий салоҳиятидан тўйлик ва самарали фойдаланиш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий салоҳиятини рӯёбга чиқаришнинг қўшимча ички имкониятларини очиб бериш, хўжалик юритиш жараёнида хусусий манфаат ва ижтимоий масъулиятни уйғунлаштириш механизмини такомиллаштириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш тизимини такомиллаштириш, глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, оиласиб тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш, кичик бизнес корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизни тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади»¹. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизидан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспортдаги улуши 20,5 фоизни ташкил этмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиши² сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уни самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётга ва унинг таркибий қисми бўлган кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш, ташкил этилган корхоналар фаолиятининг турли жиҳатлари бир қатор хорижий иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Хусусан, Р.Вернон, А.Акамацу, К.Коджима, Э.Портер, К.Мейер, Р.Баррел, Л.Кркоса, Х.Томанн, Ж.Даннинг, Р.Наруло каби етакчи хорижлик олимлар³ томонидан ишлаб чиқилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. www.lex.uz

³ Vernon, R. International Investment and International Trade in the Product Cycle / R. Vernon // The Quarterly Journal of Economics. – London, 1966. – Vol. 80 (2). – P.253.; Akamatsu, K.A. Historical Pattern of Growth in Developing Countries / K.A. Akamatsu // The Developing Economies. – 1962, March- August. – Vol. 1.; Kojima, K. Micro and Macroeconomic Models of Direct Foreign Investment: Toward a Synthesis / K. Kojima, T. Ozawa // Hitotsubashi Journal of Economics. – 1984. - №.25 –P. 11-20.; Porter M. The Competitive Advantage of Nations. - New York: The

Ривожланаётган мамлакатлар мухитида кичик бизнес сектори шаклланиши ва ривожланиши масалаларига алоҳида эътибор қаратган рус олимларидан А.А.Агафонов, В.К.Бугаев, Ф.С.Тумусов, Л.В.Давыдова, С.В.Ильминская, Е.Кочерин, З.Вдовенко, М.С.Ильясов, О.В.Фадеева, В.К.Спильниченко ва Л.А.Саркисянларнинг¹ илмий ишларида очиб берилган.

Бу тадқиқот ишларида асосий эътибор кичик бизнес субъектларининг мазмуни моҳияти ва уни миллий иқтисодиётдаги ўрнига қаратилган. Бироқ, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнеснинг ўзига хос жиҳатлари бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу барча ҳолатлар мазкур мавзуни долзарблигини ифода этади.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари фаолиятининг иқтисодий-ихтимоий таҳлили, гуруҳлаштириш таққослаш, танланма кузатув усуслари асосида мантиқий фикрлаш орқали хулосалар қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Кичик бизнеснинг ривожланиши миллий иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кичик корхоналар янги технологияларни тезроқ ва арzonроқ тарзда қайта жиҳозлаши, тадбиқ этиши, синовдан ўтказиши, ишлаб чиқаришни қисман ёки тўлиқ автоматлаштиришни амалга ошириши, автоматлаштирилган ва қўл меҳнатининг мақбул комбинациясига эришишини таъминлайди ҳамда замонавий шароитда, кичик бизнесни шакллантириш жараёни бошланғич босқичида бўлганида, унинг миқдорий ва сифат жиҳатидан янада ривожланиши миллий иқтисодиётнинг изчил юксалишининг энг муҳим омили ҳисобланади (1-расм).

Free Press, 1990. – 255 pp.; Meyer K., Pind C. The slow growth of foreign direct investment in the Soviet union successor states // The economics of transition. - London, 1999. – Volume 7, 305 pp. 201-214; Krkosa L. FDI financing of capital formation in Central and Eastern Europe. – London: EBRD working paper No. 67, 2001. - 20 p.; Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин, 2004. – С.16.; Dunning J., Narullo R. Trade, location of economic activity and the MNE: a search for an eclectic approach. // The International Allocation of Economic Activity / Edited by B.Ohlin and P.O. Hesselborn. – London: Macmillan, 1977. - pp. 395-418.

¹ Агафонов А.А. Проектное финансирование как форма инвестиционного кредитования малого бизнеса / А.А. Агафонов // Экономика и предпринимательство.- 2014.- №5- ч.1.- С. 711.; Бугаев В.К. Системные свойства региона Регионология №2-2008.-С.10-11.; Тумусов Ф.С. Инвестиционные потенциал региона: теория проблема, практика. М.: «Экономика», 1999. -С.12.; Давыдова Л. В., Ильминская С.В. Формирование стратегии развития инвестиционного потенциала региона на основе оценки инвестиционных процессов //Региональная экономика: теория и практика. - №1 (40). – 2007. – с 17. Кочерин Е. Инвестиции: Политика и стратегия для СНГ инвестиций в России №2. 2002.; Вдовенко З. Политика промышленного развития в регионе. Экономист. №3 – 2005. –С.67-73.; Ильясов М. С. Особенности развития внешнеэкономической деятельности субъектов малого бизнеса зарубежных стран и России на современном этапе. Дисс. канд. экон. наук. – Москва: 2004.; Фадеева О.В. Малый и средний бизнес в системе внешнеэкономических связей России. Дисс. канд. экон. наук. – Москва: 2011.; Спильниченко В.К., Саркисян Л.А. Сравнительное характеристика развития малого и среднего бизнеса в России и в странах участниках СНГ // Экономика и предпринимательство, 2016, № 11-2(76), С. 358-364.

Кичик бизнеснинг ривожланишининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти

Кичик бизнес ички ва ташқи бозорларни тўлдиришга, товар ҳамда хизматларга бўлган аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, тез мослашувчанлигига имкон беради;

Кичик фирмаларнинг яратилиши катта сармояларни ва уларнинг ташкил этишининг узок муддатини талаб қилмайди ҳамда истеъмолчилар талабига тезроқ жавоб беради;

Кичик бизнесни ривожлантириш орқали монополияга қарши сиёсатнинг энг самарали йўналишларидан бири ва рақобат муҳитини таъминлаш имкониятини оширади;

Кичик бизнесни бошқариш осонроқ, уларга мураккаб бошқарув тузилмаларини яратиш керак эмас;

Кичик бизнеснинг ривожланиши ишсизлик муаммосини асосан ҳал қилишга ёки юмшатишга имкон беради;

Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётни барқарорлаштиришга, мамлакатда бошланғич тартибни ўрнатишга, ўрта ва кичик мулқорлар синфини пайдо бўлишига олиб келади.

1-расм. Кичик бизнеснинг ривожланишининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти¹

Кичик бизнеснинг барча афзалликлари қарамай, енгиб бўлмайдиган муаммолар ҳам мавжуд. Тадқиқот натижасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

- банк муассасаларидан тегишли муддатларда кредит ажратилмаганлиги;
- фаолиятни амалга ошириш жойларида ижара шартномалари асосиз бекор бўлиши;
- ер майдони ажратилмаганлиги;
- ҳудудларда инфратузилмаларни фаолияти қониқарсизлиги;
- электр тармоқлари үланишда кичик корхоналарга ҳам йирик заводлар билан бир хил талаблар қўйилганлиги;
- транспорт-логистика хизматларини ривожланмаганлиги;
- корхонанинг ер майдонлари ва бино иншоотлари суд қарори асосида олинганлиги шулар жумласидандир. Кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, аммо давлат кўмагисиз кичик бизнес таназзулга учраши мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда 2017-2020 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқлардаги улуши, %²

Тармоқлар	2017 й	2018 й	2019 й	2020	(+,-)
Саноат	39,6	37,4	34,9	27,5	-12,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	99,0	98,3	98,3	97,0	-2,0
Инвестиция	32,0	38,0	47,0	49,7	17,7
Курилиш	65,1	73,2	75,4	72,4	7,3
Савдо	88,4	86,3	84,3	82,2	-6,2

¹ Муаллиф ишланмаси

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Хизматлар	58,4	56,0	52,1	51,5	-7,3
Юк ташиш	55,7	55,5	54,6	52,4	-3,3
Юк айланмаси	77,9	79,6	77,4	73,2	-4,7
Йўловчи ташиш	90,1	89,6	90,7	93,9	3,8
Йўловчи айланмаси	94,8	94,8	94,9	96,1	1,3
Экспорт	27,0	27,2	28,2	20,5	-6,5
Импорт	50,0	56,2	54,2	51,8	1,8

Жадвал маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектларининг тармоқлар бўйича энг юқори улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 97,0 % эканлиги кузатилди. Иккинчи ўринда 96,1 % (2017 йилда 94,8 %) йўловчи айланмасида, учинчи ўринда йўловчи айланмасида 93,9 % (2017 йилда 90,1 %)га тенг бўлган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг савдо ва қурилиш соҳаларида ҳам юқори улушга эканлигини кўриш мумкин.


Мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазият учун кичик бизнеснинг аҳамияти сабабли, аксарият мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам берадиган самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар турли мамлакатларда ривожланган кичик бизнесни қўллаб-куватлаш бўйича чора-тадбирлар тизимлари иқтисодий сиёсатнинг асосий тушунчалари, устувор йўналишларни танлаш ва фойдаланиладиган маблағлар ҳамда жалб қилинган бюджет маблағлари жиҳатидан сезиларли фарқ қиласди.

Миллий иқтисодиётда бу номутаносиблиқ рақобатдош бозор тартибини сақлаш билан боғлиқ муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, сўнгти йилларда кичик бизнес соҳасига ижтимоий-иқтисодий ягона давлатлараро сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ қонунчилик ва хуқуқий базани ривожлантириш, молиявий қўллаб-куватлашни ташкил этиш, тадбиркорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўзгаришидаги динамикасини кўриб чиқадиган бўлсак, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2019 йилда 56,5 фоизни, 2018 йилда 60,4 фоизни ташкил этди. Ушбу пасайиш ялпи ички маҳсулот таркибидаги йирик корхоналар улушкининг ошиши билан изоҳланади. Бу шуни англатадики, барча соҳаларда (савдо, қурилиш, саноат ва бошқалар) бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий массасида маълум бир қисми, бу ҳолда уларнинг ярмидан кўпи айнан ўша кичик фирма ва корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган (3-расм).

2020 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми (27,9 %), қурилиш (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,5 %) бажарилди. Ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотидаги кичик ва ўрта бизнеснинг улушкини таққослайдиган бўлсак, уларда 50-60 фоизни ташкил этса, бу кўрсаткич: Польшада - 51%, Германияда - 53%, Финляндияда - 60%, Голландияда - 63%га тенг¹.

¹ <https://ec.europa.eu/eurostat/cache/recovery-dashboard/>



3-расм. Ўзбекистонда 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқлардаги улуши, %да¹

Дунёда ишбилармонлик мұхити ривожланишининг асосий күрсаткичларидан бири бу Жаҳон банкининг Doing Business ҳисоботи бўлиб, у дунёнинг 190 мамлакатида 10 кўрсаткич бўйича дунёнинг 190 мамлакатида бизнес юритиш қулийгини баҳолайдиган энг нуфузли, тан олинган ва энг кўп келтирилган тадқиқот ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ушбу рейтингдаги мавқеи нафақат қурай ишбилармонлик мұхитини акс эттиради, балки ҳалқаро бизнес ҳамжамиятияда инвестиция қарорларини қабул қилишнинг муҳим мезонидир.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг улуши ЯИМнинг 60-70 фоизини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, хорижий давлатлар амалиётидаги бизнес соҳасига берилаётган имтиёзлар, кредит фоизларининг пастлиги, бизнесни ташкил этишдаги муаммоларнинг камлиги ва муддатлари қисқалиги, тезкор маълумотлар билан таъминланиши, ахборотларнинг рақобатчилар учун ҳам очиқ ва ошкоралиги ушбу мамлакатларнинг ютуғи саналади².

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширади. Ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 50 дан ортиқ фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Бу борада «Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»³ ги Фармонида Жаҳон Банки ва Халқаро молия корпорацияси (IFC) нинг «Doing Business» йиллик ҳисоботида 2022 йилга келиб 20-ўринга чиқиш вазифасини қўйди. Сўнгти йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон дунёнинг 190 мамлакати орасида Doing Business рейтингида 138-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бундай ижобий натижаларга ҳуқуматимиз томонидан олиб борилган ислоҳотларни изчилилк билан амалга оширилганлигидан деб қарашиб мақсадга мувофиқ бўлиб, бунга кичик бизнес субъектлари самарали фаолиятлари билан жавоб қайтаришлари лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

² Бекмурадов Н. Ривожланган давлатларда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг таққослама таҳлили. Агро-илм. Аграп-иктисодий, илмий-амалий журнал № 2 2022 й. 103 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПП-4160-сонли фармони.

Кўйидаги З-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчилик билан амалга оширилиши натижасида аҳоли умумий даромадлари 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 278767,5 млрд.сўмга ўсиб 515660,7 млрд. сўмни ташкил этган. Натижада аҳоли жон бошига умумий даромадлар базис йилга нисбатан 7454,9 минг сўмга ўсиб 14769,0 минг сўмга етди. Аҳоли реал умумий даромадлари бўйича жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилга нисбатан 2021 йилда 248871,7 млрд.сўмга ошиб 465271,8 млрд. сўмга етди. Агар ушбу қўрсаткични аҳоли жон бошига нисбатан олинса, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 6644,4 минг сўмга ўсиб 13325,8 минг сўмга тенг бўлди.

З-жадвал
Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг даромадлар динамикаси¹

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	236893,1	300842,7	365735,6	415085,0	515660,7	278767,5
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	7314,1	9128,6	10891,3	12125,6	14769,0	7454,9
Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд.сўм	216400,1	255971,0	319336,1	367559,6	465271,8	248871,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	6681,4	7767,0	9509,6	10737,3	13325,8	6644,4

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022–2026 йилларда юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларда ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотларни самарали давом эттириш, мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, **аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада ошириш**, 2030 йилга бориб эса жон бошига ҳисоблагандা, Ўзбекистонинг аҳоли даромадлари ўртacha қўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши мақсад қилинган. Бунга эса, ўз навбатида, **хусусий секторни рағбатлантириш** ва унинг улушкини ошириш, **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш** ҳамда **драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш** орқали эришиш кўзда тутилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Таҳлил натижаларига кўра, паст даромад оладиган аҳолининг асосий қисми иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият юритишини ҳисобга олсан, иқтисодий фаолликнинг пасайиши, биринчи навбатда, уларнинг даромадларига таъсир кўрсатади. Шу сабабли яшаш қиймати масаласи жорий вазиятда муҳим аҳамият касб этади ва паст даражада даромад олаётган аҳоли фаровонлигини ошириш учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиши тақозо этади. Бугунги кунда аҳоли даромадларини оширишда иқтисодиётнинг реал ва молия секторида фойдаланилмаётган имкониятларини йўлга қўйиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг хозирги ҳолати уни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш стратегиясини янада тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиши зарурлигини тақозо этмоқда. Фикримизча, янги стратегия кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Шу билан бирга, ушбу стратегиянинг асосий таркибий қисмлари бўйича қуидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- кичик ва йирик корхоналарнинг ўзаро интеграцион алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш ва кредитлаш тизимини соддалаштириш;
- тадбиркорлик фаолиятидаги турли маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;
- кичик бизнес субъектларига хизматлар кўрсатиш ва маълумотларни тақдим этиш ва уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини масофавий (онлайн) имкониятини яратиш;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун мутахассисларни (risk менежери, савдо менежери ва ҳоказо) тайёрлаш ва ўқитиш тизимини тақомиллаштириш.

Ушбу таркибий қисмларни комплекс равищда амалга ошириш ўрта муддатли истиқболда миллий иқтисодиётда кичик бизнес соҳасини ривожлантириш ва самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга имкон беради. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пандемия шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда кичик бизнесни рағбатлантириш, уни объектив бошқариш давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2022 йил 21 декабрь. № 272 (8334).
2. <https://ec.europa.eu/eurostat/cache/recovery-dashboard/>
3. <https://ec.europa.eu/eurostat/cache/recovery-dashboard/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони 1-иловаси. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.- <https://lex.uz>
5. Vernon, R. International Investment and International Trade in the Product Cycle / R. Vernon // The Quarterly Journal of Economics. – London, 1966. – Vol. 80 (2). – P.253.;

Akamatsu, K.A. Historical Pattern of Growth in Developing Countries / K.A. Akamatsu // The Developing Economies. – 1962, March- August. – Vol. 1.; Kojima, K. Micro and Macro- economic Models of Direct Foreign Investment: Toward a Synthesis / K. Kojima, T. Ozawa // Hitotsubashi Journal of Economics. – 1984. - №.25 –P. 11-20.; Porter M. The Competitive Advantage of Nations. - New York: The Free Press, 1990. – 255 pp.; Meyer K., Pind C. The slow growth of foreign direct investment in the Soviet union successor states // The economics of transition. - London, 1999. – Volume 7, 305 pp. 201-214; Krkosa L. FDI financing of capital formation in Central and Eastern Europe. – London: EBRD working paper No. 67, 2001. - 20 р.; Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин, 2004. – С.16.; Dunning J., Narullo R. Trade, location of economic activity and the MNE: a search for an eclectic approach. // The International Allocation of Economic Activity / Edited by B.Ohlin and P.O. Hesselborn. – London: Macmillan, 1977. - pp. 395-418;

6. Агафонов А.А. Проектное финансирование как форма инвестиционного кредитования малого бизнеса / А.А. Агафонов // Экономика и предпринимательство.- 2014.- №5- ч.1.- С. 711.; Бугаев В.К. Системные свойства региона Регионология №2-2008.-С.10-11.; Тумусов Ф.С. Инвестиционные потенциал региона: теория проблема, практика. М.: «Экономика», 1999. -С.12.; Давыдова Л. В., Ильминская С.В. Формирование стратегии развития инвестиционного потенциала региона на основе оценки инвестиционных процессов //Региональная экономика: теория и практика. - №1 (40). – 2007. – с 17. Кочерин Е. Инвестиции: Политика и стратегия для СНГ инвестиций в России №2. 2002.; Вдовенко З. Политика промышленного развития в регионе. Экономист. №3 – 2005. –С.67-73.; Ильясов М. С. Особенности развития внешнеэкономической деятельности субъектов малого бизнеса зарубежных стран и России на современном этапе. Дисс. канд. экон. наук. – Москва: 2004.; Фадеева О.В. Малый и средний бизнес в системе внешнеэкономических связей России. Дисс. канд. экон. наук. – Москва: 2011.; Спильниченко В.К., Саркисян Л.А. Сравнительное характеристика развития малого и среднего бизнеса в России и в странах участниках СНГ // Экономика и предпринимательство, 2016, № 11-2(76), С. 358-364.

7. Бекмурадов Н. Ривожланган давлатларда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг таққослама таҳлили. Аграр-илм. Аграр-иктисодий, илмий-амалий журнал № 2 2022 й. 103 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4160-сонли фармони.